

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг талабларига риоя қилинмаганлиги учун суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2008 йил 17 ноябрдаги ҳукмига кўра С. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и,п,р» бандлари билан 22 йил, 164-моддаси 4-қисмининг «а,в» бандлари билан 18 йил, 182-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари билан 7 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 23 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми, 60-моддаси тартибида узил-кесил 25 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Т. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и,п,р» бандлари билан 21 йил, 164-моддаси 4-қисмининг «а,в» бандлари билан 17 йил, 182-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари билан 7 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 22 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми тартибида узил-кесил 24 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

С. ва Т. дан жабрланувчининг қонуний вакили К. фойдасига «КамАЗ» русумли давлат рақами 11 D 6368 автомашинанинг нархи 10.000.000 сўми солидар тартибда ундириш, Қозоғистон Республикаси, Чимкент вилояти, Чордара тумани ички ишлар бўлимига қарашли махсус автоулов сақлаш масканида сақланаётган «КамАЗ 5511» русумли давлат рақами 11 AP 231 бўлган (ҳозирги кунда Қозоғистон Республикаси давлат рақами Х 304 NXM) автомашинани Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл туманида жойлашган «Саина» масъулияти чекланган жамиятига қайтариш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди кассация инстанциясининг 2009 йил 27 январдаги ажрими билан ҳукмнинг С.га оид

қисми ўзгартирилиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и,п,р» бандлари билан тайинланган жазо 21 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилган, Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми «а,в» бандлари, 182-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан 22 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми, Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан узил-кесил 24 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди кассация инстанциясининг 2010 йил 17 мартдаги ажрими билан ҳукмнинг Т.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилиб, унга нисбатан Олий Мажлис Сенатининг 2005 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорининг 6-моддаси «б» банди татбиқ этилиб, жазонинг ўталмаган қисми тўртдан бирига қисқартирилган.

Суднинг ҳукмига кўра С. ва Т. 2004 йил 20 август куни Тошкент шаҳар «Ибн-Сино» даҳаси қурилиш хомашёлар бозорига келиб, фуқаро Дж. бошқарувидаги «КамАЗ» русумли давлат рақами АR 231 бўлган юк автомашинасидаги қумни савдолашиб, уни алдаб, Тошкент вилояти Зангиота тумани «Бўз-сув» Қ.Ф.Й. «Дўстлик» паррандачилик фабрикаси олдидан оқиб ўтувчи «Юқори-Тошкент» канали томонга олиб боришган. Шу ерда С. ва Т. Дж.ни тамагирлик ниятида бош қисмига темир жисм, кўкрак қисми ва орқа елкасига пичоқ билан уриб, қасддан ўлдиришган. Шундан сўнг улар жасадни каналга ташлаб, 10.000.000 сўмлик «КамАЗ» автоуловини Қозоғистон Республикасига олиб чиқишиб, Жанубий Қозоғистон вилояти Сари-Ёғоч тумани «Сиргели» қишлоғида яшовчи Б.га 3.600 АҚШ долларига сотишган.

С. ва Т. жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2005 йил 31 январь куни К.нинг «КамАЗ» русумли давлат рақами 11 D 6368 бўлган автоуловда ошхонага келганини кўриб, гўёки К.нинг юк автоуловига шакар юклатиш учун савдолашиб, Тошкент вилояти Зангиота тумани «Шоим кўприк» ёнидаги «ЭМБОКС» тозалаш корхонаси олдига олиб боришган. Шу ерда улар К.ни алдаб автомашинадан тушириб, унинг бўйин қисмига ерда ётган хода билан уриб, қасддан ўлдиришган. Шундан сўнг С. ва Т. марҳумни чопонга ўраб «КамАЗ» автоулови салонига юклаб Зангиота туманида оқиб ўтувчи «Бўз-сув» каналига олиб бориб ташлаб юборишган. Сўнгра 10.000.000 сўмлик «КамАЗ» автоуловини Жанубий Қозоғистон вилояти Сари-Ёғоч тумани Муруски кўчасида яшовчи М.га 3.600 АҚШ долларига сотиб юборишган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, С. ва Т.нинг жиноий ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, қилмишларига яраша жазо тайинлаган. Жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш учун С ва Т.дан жабрланувчининг қонуний вакили К. фойдасига «КамАЗ» русумли давлат рақами 11 D 6368 автомашинанинг нархи 10.000.000 сўмни солидар тартибда ундириб тўғри хулосага келган.

Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддасида, жиноят туфайли ўзини мулкӣ зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши кўзғатилган пайдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво кўзғатишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида, дастлабки тергов давомида фуқаровий даъво талаби келтирилмаган бўлса, суд зарар кўрган шахсга ёки корхона, муассаса, ташкилотларга уларнинг судланувчига ёки қонун талабига кўра

зарар учун моддий жавобгар ҳисобланувчи шахсларга нисбатан фуқаровий даъво келтириш ҳуқуқларини тушунтириши лозимлиги, жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатмаган, шунингдек, даъвоси кўрмасдан қолдирилган шахслар уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўзғатишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Иш бўйича кодекснинг ушбу талаблари ҳамда Пленум қарорининг тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Иш материалларига қараганда, С. ва Т. жиноий тил бириктиришиб тамагирик ниятида Дж.ни қасдан ўлдиришиб, унинг «КамАЗ» автомашинасини Қозоғистон Республикасига олиб чиқишиб, Сари-Ёғоч туманида яшовчи қариндошига 3.600 АҚШ долларига сотиб юборишган.

С. ва Т дастлабки тергов ва судда, 2004 йил 20 август куни Дж.ни қасдан ўлдиришиб, унинг «КамАЗ» автомашинасини Қозоғистон Республикаси Сари-Ёғоч туманидаги С.нинг Ж. исмли қариндошига 3.600 АҚШ долларига сотишганини, Ж. автомашинани қандай расмийлаштириб олганидан беҳабарлиги ҳақида кўрсатма беришган.

Гувоҳлар Ж. ва Б. дастлабки терговда, 2004 йил август ойида қариндоши С. уларнинг Қозоғистон Республикаси, Сари-Ёғоч тумани, Қапланбек қишлоқ округи, «Сиргели» қишлоғида жойлашган уйига «КамАЗ» автомашинасини олиб келиб, уни 3.600 АҚШ долларига сотиб кетганлиги, автомашинанинг ҳужжатларини С.нинг ўзи Б. номига расмийлаштириб берганлиги, кейинчалик ушбу автомашинани М.га сотишгани ҳақида кўрсатма беришган.

Гувоҳ К. судда «Саина» масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг ўринбосари лавозимида ишлаши, «КамАЗ 5511» русумли давлат рақами 11 АР 231 автомашина «Саина» масъулияти чекланган жамиятига тегишли эканлиги, ушбу автомашина 2004 йилда ижара шартномасига асосан Дж.га берилганлиги, унинг нархи 10.000.000 сўмни ташкил этиши, ҳозирги пайтда

ушбу автомашина Қозоғистон Республикасида эканлиги хақида эшитганлигини кўрсатиб, «Саина» жамиятига «КамАЗ» автомашинасини қайтаришни сўраган.

Бироқ суд иш бўйича «Саина» масъулияти чекланган жамияти фуқаровий даъвогар деб эътироф этилмаганлиги, унга фуқаровий даъво келтириш ҳуқуқлари тушунтирилмаганлиги, иш бўйича далилий ашё деб топилган «КамАЗ 5511» русумли давлат рақами 11 АР 231 автомашина учинчи шахслар-Қозоғистон Республикаси фуқароларнинг номига расмийлаштирилиб унга Қозоғистон Республикаси Х 304 NXМ давлат рақами берилганлиги, бу шахслар фуқаровий жавобгарлар деб топилмаганлиги ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Бундай ҳолда, суднинг иш бўйича фуқаровий даъвогар деб топилмаган «Саина» масъулияти чекланган жамияти фойдасига учинчи шахслар-Қозоғистон Республикаси фуқаролари номига расмийлаштирилган «КамАЗ 5511» русумли Қозоғистон Республикаси Х 304 NXМ давлат рақамли автомашинани қайтариш хақидаги қарорини қонуний деб бўлмади.

Кассация инстанцияси ҳам қайд этилган ҳолатларга эътибор бермай, суднинг хатосини бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов хайъати 2010 йил 23 декабрдаги ажрими билан С. ва Т.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2008 йил 17 ноябрдаги ҳукми, шу суд кассация инстанциясининг 2009 йил 27 январдаги ҳамда 2010 йил 17 мартдаги ажримларининг «КамАЗ 5511» русумли давлат рақами 11 АР 231 бўлган (ҳозирги кунда Қозоғистон Республикаси давлат рақами Х 304 NXМ) автомашинани Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Янгийўл туманида жойлашган «Саина» масъулияти чекланган жамиятига қайтариш хақидаги қисми чиқарилди.

«Саина» масъулияти чекланган жамиятига «КамАЗ 5511» русумли давлат рақами 11 АР 231 бўлган автомашинани қайтариш тўғрисида фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳукуқи тушунтирилди.

Назорат иши ЖСХ 211-10